



МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ
ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Машарипов Икромжон Батирович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

доценти, сиёсий фанлар доктори.

ikrommasharipov1967@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада Марказий Осиёда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишини тарихий, маданий ва сиёсий омиллар билан боғлиқ равишда таҳлили амалга оширилган. Муаллиф маҳалла институти, анъанавий бошқарув тизимлари ва ислом динининг ижтимоий барқарорликка таъсирини таъкидлаб, Фарб моделидан фарқли, миллий анъаналар ва давлат билан яқин ҳамкорликка асосланган минтақа фуқаролик жамиятини тавсифлайди. Ҳар бир моделнинг ўзига хос хусусиятлари қиёсий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Давлат, минтақа, демократия, фуқаролик жамияти, тарих, маданият, сиёсат, ислоҳот, ижтимоий фаоллик, барқарорлик.

Annotation: This article analyzes the formation and development of civil society in Central Asia, focusing on the historical, cultural, and political factors influencing it. The author emphasizes the role of the mahalla institution, traditional governance systems, and the impact of Islam on social stability. Unlike the Western model, civil society in this region is characterized by close collaboration with the state and reliance on national traditions. A comparative analysis is conducted to highlight the unique features of each model.

Keywords: State, region, democracy, civil society, history, culture, politics, reform, social activity, stability.

Аннотация: В данной статье проведен анализ формирования и развития гражданского общества в Центральной Азии в связи с историческими, культурными и политическими факторами. Автор подчеркивает влияние махаллинского института, традиционных систем управления и ислама на социальную стабильность, описывая гражданское общество региона как основанное на национальных традициях и тесном сотрудничестве с государством, в отличие от западной модели. Проведен сравнительный анализ, чтобы выделить уникальные черты каждой модели.

Ключевые слова: Государство, регион, демократия, гражданское общество, история, культура, политика, реформа, социальная активность, стабильность.

Кириш

Марказий Осиёда фуқаролик жамиятининг вужудга келиши бир қатор тарихий, маданий ва сиёсий жараёнлар билан чамбарчас боғланган. Унинг ривожланиши маҳаллий анъаналар, турли давлат тузилмалари ва таълим тизимларининг таъсирида



TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



шакланган. Минтақада фуқаролик жамияти анъанавий жамоавий институтлар, хусусан, маҳалла ва оқсақоллар кенгашлари асосида ташкил топган бўлиб, жамоавий ҳамкорликни таъминлашда муҳим роль ўйнаган. Маҳалла жамоат ҳаётини иқтисодий ва маънавий қўллаб-қувватлаш воситаси сифатида жамоатчиликни бошқаришда муҳим вазифаларни бажарган. Ислом дини ҳам Марказий Осиёда фуқаролик жамияти шаклланишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. IX-XII асрларда минтақа ислом оламида илм-фан ва фалсафа марказларидан бири бўлган. Беруний, Ибн Сино ва Ал-Фаробий каби алломаларнинг асарлари давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган бўлиб, адолатли бошқарув тамойилларини шакллантирган. Шу сабабли, тарихий жараёнларда ҳам диний институтлар жамиятда маънавий йўналтирувчи сифатида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг давлат билан ҳамкорликдаги ролини оширган. Собиқ Шўролар даврида Марказий Осиёда фуқаролик жамияти давлат назорати остида шакланган. Маҳаллалар ва касаба уюшмалари давлат сиёсати воситасига айлантирилган. Бундай мафкуравий назорат фуқаролик жамиятининг эркин ривожланишига тўсқинлик қилган. Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришгандан сўнг, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича қатор қонунчилик ислохотларини амалга оширишга киришди. Давлатлар халқаро стандартларга мослашишга эътибор қаратиб, Ўзбекистонда маҳалла институтининг ҳуқуқий мақоми кучайтирилди. Қозоғистон ва Қирғизистонда эса нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилди.

Умуман олганда, Марказий Осиёда фуқаролик жамияти маҳаллий анъаналар, диний таъсирлар ва сиёсий тизимларнинг таъсирида ривожланмоқда. Марказий Осиёда фуқаролик жамиятининг ривожланиши Ғарб моделларидан фарқлидир. Ғарбда фуқаролик жамияти асосан шахсий манфаатлар, ҳуқуқлар ва эркинликларни ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлса, Марказий Осиёда бу тушунча кенгрок ижтимоий қадриятлар ва анъаналар билан боғлиқдир. Минтақада давлат ва жамият ўртасидаги яқин алоқалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, давлат фуқаролик жамияти ривожланишини қўллаб-қувватлаган ҳолда унинг фаолиятини муайян даражада назорат қилади. Марказий Осиё давлатларида давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро алоқалар давлатнинг ижтимоий ҳаётдаги ролига асосланади. Давлат фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислохотларни амалга оширган бўлса-да, унинг фаолиятини маълум даражада назорат қилади. Бу ҳолат минтақадаги фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Марказий Осиёда ислом динининг жамият ҳаётидаги роли алоҳида аҳамиятга эга. Диний ташкилотлар жамиятда маънавий йўналтирувчи сифатида хизмат қилган ва жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутган. Бу жараёнлар давлат ва диний институтлар ўртасидаги ҳамкорлик доирасида олиб борилади. Натижада, Марказий Осиёда фуқаролик жамиятининг шаклланиши давлат билан яқин ҳамкорликда ривожланиб, минтақадаги маданий ва тарихий хусусиятларга мослашган моделни шакллантирган.





Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).

Ал-Беруний (973–1048) — Марказий Осиёнинг буюк алломаларидан бири бўлиб, энциклопедист, астроном, географ, тарихчи ва фалсафачи сифатида танилган. Унинг асарлари фуқаролик жамияти ва унинг ривожланишига оид бир қатор муҳим фалсафий қарашларни қамраб олади. Берунийнинг фуқаролик жамиятига оид қарашлари унинг илмий ва фалсафий дунёқараши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у жамиятда илм-фаннинг аҳамиятини, инсон ҳуқуқлари ва адолатли бошқарувнинг зарурлигини доимо таъкидлаб келган. Унинг фикрича, фуқаролик жамияти инсонлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, адолат ва маърифатга асосланиши керак. Маърифатли жамият давлатнинг асосий қуввати ҳисобланиб, жамиятда ҳар бир инсон тенг ҳуқуқли бўлиши лозим. Мутафаккир жамиятда маърифат ва илм-фанни тарқатиш орқали инсонларнинг ахлоқий ва маънавий ривожланишига катта эътибор қаратган. Олимнинг фикрига кўра, маърифат ва илм жамиятнинг ривожланишида асосий омиллар бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқий ва маънавий камолоти жамият мустақамлигини таъминлайди. Ал-Берунийнинг асарлари орасида "Ал-Асар ал-боқийя ани ал-курон ал-ҳолийя" (Қадимий халқлардан қолган излар) муҳим ўрин тутди. Ушбу асарида Беруний илм-фан, дин ва маданиятлар ўртасидаги муносабатларни чуқур таҳлил қилади. У турли халқларнинг маданий ва диний анъаналарини ҳурмат қилиш орқали жамиятда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш мумкинлигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, фуқаролик жамияти турли маданият ва динлар ўртасидаги тинч ҳамкорликка асосланиши керак. Бугунги кунда ҳам Ал-Берунийнинг асарлари ва қарашлари фуқаролик жамияти концепциясида маърифат ва илмнинг аҳамиятини урғулайди. Унинг фикрича, адолатли бошқарув, ҳуқуқий тартиб ва маърифат орқали фуқароларнинг ривожланиши жамиятнинг мустақам бўлишига хизмат қилади. Берунийнинг асарлари нафақат илм-фан соҳасига оид, балки жамият, инсон ҳуқуқлари ва маданий ривожланиш ҳақида ҳам муҳим фикрларни ўз ичига олади.

Ал-Фаробийнинг фуқаролик жамиятига оид қарашлари унинг ижтимоий-фалсафий асарларида кенг ўрин олган. Унинг ижтимоий фикрида фуқаролик жамиятини шакллантириш ва унинг маънавий асослари муҳим ўрин тутди. Ал-Фаробий фуқаролик жамиятини идеал жамият сифатида кўриб, унинг асосий мақсади инсонлар ўртасида адолатли ва ахлоқий муносабатларни ўрнатиш эканини таъкидлаган. Унинг назарияларига кўра, фуқаролик жамияти инсонларнинг жамиятда яшаши ва ривожланиши учун яратилган энг қулай ва табиий тузилма ҳисобланади. Ал-Фаробийнинг муҳим асарлари орасида "Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари" (арабча: "فلسفۃ اهل المدينة") ажралиб туради. Ушбу асарида у идеал жамиятни тасвирлайди ва унинг асосий белгиларини белгилайди. Асарга кўра, идеал жамият фуқароларнинг ўзаро ҳамкорликда яшашлари, бир-бирларига ёрдам беришлари ва маънавий ривожланишлари учун барпо этилади. Ал-Фаробийнинг фикрича, бундай жамиятнинг етакчиси билимли, ахлоқий баркамол, доно ва адолатли бўлиши лозим.



Унинг назарида, фуқаролик жамиятининг ривожланиши илм-фан, маърифат ва ахлоқий қадриятларга асосланган бўлиши керак.

Шу билан бирга, Ал-Фаробий жамиятнинг иерархияси ва фуқароларнинг турли қувватларига қараб фаолият кўрсатишини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳар бир инсоннинг табиий қобилиятлари ва ижтимоий роллари бор, ва бу инсонларнинг имкониятларини тўғри йўналтириш жамиятнинг барқарорлигига ва ривожланишига хизмат қилади. Ал-Фаробийнинг фуқаролик жамияти ҳақидаги фикрлари унинг камолотга, инсонларнинг ҳамкорлигига ва маънавий юксалишига йўналтирилган қарашларини ифода этади. Бу назариялар ҳозирги кунда ҳам фуқаролик жамиятининг фалсафий асослари сифатида ўрганилади.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology).

Фуқаролик жамияти ривожланишига иқтисодий ва сиёсий омиллар турли даражада таъсир кўрсатади. Минтақадаги иқтисодий қийинчиликлар ва сиёсий барқарорликнинг етишмаслиги кўп ҳолларда фуқаролик жамияти ривожланишини секинлаштирувчи омиллар ҳисобланади. Қуйидаги асосий омиллар бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга:

Биринчидан. Фуқаролик жамиятининг самарали ривожланиши учун иқтисодий барқарорлик асосий шартлардан бири бўлиб хизмат қилади. Марказий Осиё давлатларида иқтисодий ўсиш фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Иқтисодий барқарорлик фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилашга имкон бериб, уларнинг жамоавий ҳаётдаги иштирокига ижобий таъсир кўрсатади. Барқарор иқтисодий муҳитда фуқаролик жамияти институтлари мустақам ривожланади ва уларнинг ижтимоий фаолияти кенг қамровга эга бўлади.

Иккинчидан. Минтақадаги сиёсий вазиятлар фуқаролик жамиятининг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Терроризм, диний радикализм ва бошқа сиёсий таҳдидлар давлатни хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган чоратадбирларни кучайтиришга мажбур қилади. Бу эса фуқаролик жамияти фаолиятига тўсқинлик қилиб, уни назорат остига олишга олиб келади. Бошқа томондан, сиёсий барқарорлик фуқаролик жамиятининг эркин ривожланиши учун қулай шароит яратади, чунки давлат хавфсизлик чораларини кучайтириш заруратидан халос бўлади ва фуқаролар эркин фаолият юритиши мумкин бўлади.

Учунчидан. Иқтисодий ва сиёсий омиллар фуқаролик жамиятининг ривожланишида бир вақтда ҳам муаммолар, ҳам янги имкониятлар яратади. Агар Марказий Осиё давлатлари иқтисодий барқарорликка эришса, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик жамиятининг мустақамланиши учун кенг имкониятлар пайдо бўлади. Аммо сиёсий ва хавфсизлик таҳдидлари бу жараёнларнинг ривожига жиддий тўсқинлик қилиши мумкин, бу эса давлатнинг фуқаролик жамияти устидан назоратни кучайтиришига олиб келади. Бу омиллар фуқаролик жамиятининг мустақамлиги ва ривожланишида муҳим роль ўйнаб, ҳар бир омил жамиятнинг ички ва ташқи муҳитига боғлиқ равишда ўзгариб туради.





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G'UYALAR



Марказий Осиёда фуқаролик жамиятининг келажакда ривожланишига бир қатор халқаро ва минтақавий омиллар таъсир кўрсатади. Бу жараён нафақат ички сиёсий ва иқтисодий барқарорлик билан боғлиқ, балки ташқи омиллар, хусусан, глобал интеграция, технологик ривожланиш ва халқаро ҳамкорлик билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги минтақавий ҳамкорлик фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Барқарорлик ва ўзаро ҳамкорлик фуқаролик жамияти институтлари учун янги имкониятлар яратиши мумкин. Ўзбекистон ва Қозоғистон каби давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик нафақат иқтисодий, балки фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ҳам ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса минтақада барқарор ва самарали фуқаролик жамиятининг шаклланишига ёрдам беради. Ахборот технологиялари ва интернет фуқаролик жамияти ривожланишига янги босқич олиб келмоқда. Рақамлаштириш жамиятнинг турли қатламлари ўртасида мулоқотни осонлаштириб, давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди. Фуқаролар интернет орқали давлат бошқарувига, сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатиши ва ўз фикрларини эркин ифода этиши мумкин. Бу жараён фуқаролик жамиятининг демократлашувига ёрдам бериб, фуқароларнинг фаоллигини оширади. Марказий Осиё давлатлари халқаро ҳамжамиятнинг талабларига мослашишга интилоқда. Демократик ислохотлар, инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий ҳимоя механизмларини кучайтириш фуқаролик жамиятининг барқарор ривожланиши учун муҳим омиллардир. Давлатлар халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ислохотларни амалга оширишга эътибор қаратмоқда. Бу жараён халқаро тажриба ва стандартларнинг фуқаролик жамиятига интеграция қилинишини рағбатлантирмоқда.

Хулоса.

Марказий Осиёда фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши минтақа тарихий, маданий ва сиёсий омиллар билан узвий боғлиқдир. Маҳалла институти, диний ташкилотлар ва анъанавий бошқарув тузилмалари бу жамиятнинг ўзига хос моделларини яратиб, мустақилликнинг илк кунларидан Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонда миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда ривожланган.

Ўзбекистонда маҳалла ташкилоти асосида давлат ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутиб, фуқаролик жамиятини ривожлантирган. Қозоғистонда фуқаролик жамияти нодавлат ташкилотлар ва сиёсий партиялар орқали ривожланиб, бироқ чекловларга дуч келган. Қирғизистонда фуқаролик жамияти эркин ривожланиб, нодавлат ташкилотлар фаоллиги сезиларли даражада юқори. Тожикистонда ички зиддиятлардан сўнг тинчлик ва барқарорликка эришиш жараёнида фуқаролик жамияти шаклланган. Туркменистонда эса марказлашган бошқарув сабабли ривожланиш чекланган, аммо ижтимоий лойиҳалар фуқаролик жамиятига маълум даражада ҳисса қўшган. Минтақада фуқаролик жамиятини ривожлантиришда давлатнинг фаол иштироки, қонунчилик ислохотлари ва халқаро ҳамкорлик муҳим





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



аҳамият касб этади. Шу билан бирга, иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, технологиялардан фойдаланиш ҳамда глобал интеграция жараёнлари фуқаролик жамиятининг келгуси ривожига таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида эътироф этилади. Фуқаролик жамиятининг келгуси ривожланишида давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни кучайтириш, уни очик ва самарали қилиш муҳим аҳамиятга эга. Демократик стандартлар ва халқаро талабларга мувофиқ ислохотлар фуқаролик жамиятининг барқарор ва самарали ривожланишига йўналтирилиши лозим.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ал-Беруний, “Ал-Асар ал-боқийя ани ал-қурон ал-холийя”
2. Ал-Фаробий, “Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари”
3. Саидов.С. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожининг баъзи мезонлари. Sentabr 16, 2018. Vol. 5 No. 6 | Jun 2023.
4. Ибн Сино, "Табиий ва ижтимоий илмлар асослари"
5. Қирғизбоев М, Машарипов И. Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти. //Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. //М.Қирғизбоев умумий таҳрири остида. –Тошкент: “Navro’z”, 2014.
6. Vatirovich, M. I. THE ROLE OF THE MIDDLE SOCIAL CLASS IN CIVIL SOCIETY DEVELOPMENT: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND NATIONAL DEVELOPMENT. 1000 kopii., 16.
7. Машарипов, И. (2024). Yangi O‘zbekistonda zamonaviy fuqarolik jamiyati institutlarining rivojlanish jarayonlari. Общество и инновации, 5(1), 134-140.